Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 124 (4819).
2 ИЮНЬ 1982 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Пойтахт қурилишларида*

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

Шу кунларда шаҳримизнинг Акмал Икромов районидаги Зиё Саид кўчасида катта кўламда қурилиш иншоотлари бунёд этилмоқда. Бу ерда 160 ўринли болалар боғчаси, янги озиқ-овқат магазини ҳамда 400 ўринли медицина ходимлари учун ётоқхона қурилиши жадал суръат билан олиб борилмоқда.

Ётоқхона биносида 12-трестга қарашли 65-қурилиш бошқармасининг катта прораби С. Б. Ғафуров бошчилигидаги қурувчилар қизғин меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда бинокорлар объектда монтаж ишларини амалга оширяптилар. К. Халилов бошлиқ бригада аъзолари кунлик ва ойлик планларини 110—120 процент адо этиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда.

СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллик юбилейи шарафига ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларни муваффақиятли якунлаётган азамат бинокорлар айни кунларда социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб юборганлар. Улар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан сифатли ва унумли меҳнат қилишга интилмоқдалар.

М. АКРОМОВА.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Меҳнат армуғонларимиз — СССРнинг 60 йиллигига

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга

ЁРҚИН ПРОГРАММА

Барча совет кишилари қатори бирлашмамиз инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги докладини ва Пленум қарорларини зўр қизиқиш билан ва ифтихор ҳисларига тўлган ҳолда ўрганмоқдалар. Партиямиз XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун изчил курашаётган коллективимиз съезд қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган озиқ-овқат программасини бажаришга ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Озиқ-овқат программаси партиямизнинг: «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиорини амалга ошириш йўлидаги яна бир ёрқин саҳифадир. Уни амалга ошириш партия, совет ва хўжалик органлари, коллективларнинг фидокорона меҳнат қилишини талаб этади, албатта.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг йўлларини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Марказий Комитет Сиёсий бюросига тақдим этган муҳим тадбирлар тўғрисидаги қарорларида озиқ-овқат программаси билан боғлиқ бўлган конкрет масалалар белгиланган.

Май Пленуми ўртага қўйган — халқ фаровонлигини янада ошириш программасини бажариш бизнинг бирлашмамиз ишчи-хизматчиларидан ҳам кўп куч-ғайрат талаб этади. Бизга тўқимачилик комбинатига қарашли, Тошкент областидаги «Текистильшчик» совхозидан битта бригада ажратиб бериладиган бўлди. Ўнлаб гектар майдонда келгусида бу ердан кўплаб сабзовот ва мевалар етиштиришни режаладик. Яқин келгусида бизга ажратиб берилган майдонда гўшт етиштириш мақсадида чорва ферма ташкил этамиз. Бу борада бизга катта ёрдам кўрсатилмоқда. Маълумки, Пленумда корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш талаби қўйилди. Бу эса программада ҳам ўз ифодасини топди. Бирлашмамизнинг ёрдамчи хўжалиги ҳам шакшубҳасиз, ана шу талабни адо этишга қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади. Корхона партия комитети мазкур ёрдамчи хўжаликда ишни изчил йўлга қўйиш, мунтазам равишда шанбаликлар уюштириб туриш каби бир қатор тадбирларни белгилади.

Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.



Ушбу суратда Тошкент агрегат заводининг слесари Зоир Тоҳировни кўриб турибсиз. У тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик зарбдорларидан саналади. Ҳозир илғор ишчи ғайрат билан меҳнат қилиб, ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан икки йил аввал адо этишга интилаяпти.

В. Сироткин фотоси.

Юбилей кунига қадар

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 127-автобаза меҳнат коллективи «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида меҳнат қилиб, ҳар бир зарбдор ҳафталикни юқори кўрсаткичдаги меҳнат ютуқлари билан якунлашмоқда. Бундан ташқари коллективда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган кунга қадар уч йиллик планни бажариш ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйган. Бу ташаббусга қўшилган ҳайдовчилар ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, кунлик юк ташиш нормаларини яна бир ярим ҳисса ошиғи билан бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Шу кунларда коллективнинг илғор ишчиларидан М. Аъзамхўжаев мана шу йилнинг сентябрь, Ш. Шапакатов, Э. Каримназаров август, Ҳ. Мирзаматов июль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Улар СССРнинг 60 йиллик юбилейини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ва юбилей куни арафасида уч йиллик планни бажарганликлари ҳақида меҳнат рапортлари бериш ниятидалар.

ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 145-автобаза коллективи «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ташаббуси асосида меҳнат қилиб, ҳар бир зарбдор ҳафталик якунларини кўриб-сарҳисоб қилиб боришмоқда. Бу усул корхонада меҳнат унумининг ошишида жуда кўл келмоқда. Чунки якун кунида социалистик мусобақа илғорларигина тақдирланиб қолмасдан, балки иш жараёнида юзага келган камчиликлар ҳам муҳокама қилинади. Бунда ҳайдовчилар ремонтчи-слесарлар томонидан, слесарлар эса ҳайдовчилар томонидан йўл қўйилган камчиликларни очишади ва меҳнат унумдорлигини янада оширишга қаратилган фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлашади. Натижада ўтган ҳафтада юз берган нуқсонлар бу ҳафтада учрамайди. Бу ишда ҳайдовчилардан В. Иванов, В. Сидиров, В. Воробьёв, слесарлардан А. Павлов, А. Кимлая алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар «Машинани авайлаб асраш, ўз вақтида ремонт қилиш ва доимо техник назоратни кучайтириб бориш керак» деган қатъий шиорни ўртага ташлаган ҳолда ҳамкасбларига ўрнак бўлишиб, кунлик юк ташиш ва машиналарни сифатли ремонт қилиш нормаларини 115-120 процентдан ошириб адо этишмоқда. Бу хамжиҳатлик меҳнат унумдорлигини оширишда зўр омил бўлмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Шаҳримизда меҳнат коллективлари томонидан маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш юксак ишчанлик ва сиёсий кўтарынкилик вазиятида ниҳоясига етказилмоқда. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида сайлов олди кампаниясининг бориши муҳокама этилди. Мажлисда тошкентликлар Коммунистик партия ва совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қуватлаётганликлари ҳамда маъқуллаётганликлари таъкидланди. Сайловчилар навбатдаги вазифалар ҳақида фикр билдириб, наказлар беришмоқда, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда билдирган кўрсатмаларини бажаришга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Шаҳарда 1830 та округ сайлов комиссияси тузилган. Буларга жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларидан 20130 вакил киритилган. Таркибида 9 мингдан ортиқ киши бўлган 520 тадан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилган. 20 та район сайлов комиссияси тузилган бўлиб, улар бугунги кунда сайлов олди кампаниясини белгиланган план асосида олиб боришаяпти.

Район Советларининг ижроия комитетлари округ, участка сайлов комиссияларининг раислари ва секретарлари билан инструктив кенгашлар ўтказишди. Район сайлов комиссиялари округ ва участка сайлов комиссияларига зарур ёрдам кўрсатиб, уларнинг фаолиятини йўналтиришяпти.

Савдо ташкилотлари зарур миқдордаги сайлов адабиётлари, плакатлар, канцелярия ва бошқа сайлов олди кампанияси учун керакли материалларга эга.

Айни пайтда шаҳар Совети ижроия комитетида таъкидландики, шаҳар, районлар ва посёлка Советларига сайловларга тайёргарлик ишида айрим камчиликлар ҳам бор. Қатор сайлов участкаларининг агитпунктлари ҳамон тўла жиҳозланган йўқ. Жумладан, Собир Раҳимов районидаги 36 (111-мактаб), 44 (24-мактаб), Қуйбишев районидаги 42 (Луначарский номидаги маданият уйи), 38 (223-мактаб), Акмал Икромов районидаги 4 (ўқув-ишлаб чикариш маркази), 5 (199-мактаб), Октябрь районидаги 23 (39-мактаб), 21 (132-мактаб) ва бошқа сайлов участкаларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхатлари, комиссия мажлисларининг протоколлари, биринчи марта овоз берувчи сайловчилар рўйхатлари ўз вақтида тузилмаган.

Ана шу сайлов участкаларининг атрофларида ободонлаштириш ишлари бажарилмаган, «Агитпункт» кўрсаткичлари, календарлар осиб қўйилмаган. Бу шуни кўрсатадики, корхоналарнинг раҳбарлари, сайлов комиссияларининг аъзолари, район ижроия комитетларининг ходимлари ўзлари бириктириб қўйилган сайлов участкаларидаги бурчларига тўла масъулият билан муносабатда бўлишмаган.

Мажлисда 7 та сайлов участкасига «Алтай» радиотелефонлари ўрнатмаганлиги ва ўрнатилган телефонларни текшириб кўришни ташкил этмаганлиги учун шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси адресига танқидий фикрлар билдирилди.

Айрим маданият муассасалари ва кинотеатрлар ўз ишларини ҳалигача сайлов олди кампанияси талабларига мувофиқ қайта ташкил этишганича йўқ, агитаторлар коллективларига яхши ёрдам кўрсатишмаяпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан 31 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Вьетнам Социалистик Республикасининг олий мукофоти — биринчи даражали Хо Ши Мин ордени билан ВСР Меҳнат Қаҳрамони медалини топширди.

Мукофотни топшириш маросимида Ле Зуан ва Л. И. Брежнев ўртоқлар нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

◆ Учишни бошқариш маркази хабар беради: космонавтлар Анатолий Березовой ва Валентин Лебедев «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Прогресс-13» орбитал комплексининг ичида мўлжалланган ишларни муваффақиятли бажармоқдалар. Экипаж юк кемасида қилинадиган ҳамма ишларни бажариб бўлди.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ШАҲАРНИ СУВ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Водоканал» трести зиммага олган топшириқни қандай бажараётганлиги масаласи кўрилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов мажлисга раислик қилди.

«Водоканал» трестининг барча тармоқларида юбилейга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Сув ўтказиш ва тозалаш даражаси суткасига, ўтган йилга нисбатан 200 минг кубометрга оширилди. Бундан ташқари йўловчилар кўп бўладиган ерларга сув ичиш фонтанчалари ўрнатилди. Марказий Универсал магазини ва «Москва» меҳмонхонаси атрофига ўрнатилган фонтанчаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ана шундай янгиликларни ишга тадбиқ қилиш билан 1 миллион киловатт-соат электр энергия, 35 тонна бензин, 9 тонна дизель ёқилғиси иқтисод қилинди. Трест ва унинг бўлинмалари биносининг ташқи кўринишини ремонт қилиш, 1980 йилга нисбатан водопровод сувларини суткасига 200 минг кубометрга етказиш, тармоқ автоматлашган бошқарув системасининг биринчи навбатини саноат асосида ишга тушириш, Янги Ўзбекистон кўчасидаги қурилиш ишларини тугатиш билан «Чорсу» микрорайонини сув билан таъминлаш 1983 йилгача тугалланиши керак.

Бугунги кунда йирик массивларни сув билан таъминлаш борасида ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир генерал Узоқов кўчаси ва Ҳалқа йўлида (Беруний кўчасидан Ҳ. Турсунқулов кўчасигача) водопровод линиялари ётқизилмоқда. Бу билан Чилонзор массиви аҳолиси сув билан тўла таъминланади. Шунингдек 2-Шимоли-Шарқ массиви ҳам сув билан тўла таъминланади.

Шаҳар комиссиясининг аъзолари «Водоканал» трестининг бажараётган ишларида бир қанча камчиликлар мавжудлигини қайд этдилар. Водопровод сувларини бекордан-бекорга исроф қилмаслик ҳақида ҳеч қандай иш олиб борилаётгани йўқ. Аҳоли орасида, маҳалла комитетлари ва ЖЭК ларда сувни исроф қилмаслик ҳақида ҳеч қандай суҳбатлар ўтказилмаётир. Бир қанча районларда водопровод сувларидан экинларни суғоришда фойдаланишмоқда. Ирригация трести билан биргаликда ариқларни чиқиндилардан тозалаб, ҳар бир ирригация шаҳобчасида сув бўлишини таъминлаш керак.

«Водоканал» трести ташкилотларининг чуқур қазиб, қувурлар ётқизишгандан кейин йўлларни асфальт қилмасдан кетиб қолиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Бажариладиган ишларни тўла-тўкис адо этиш учун «Водоканал» трести моддий-техника имкониятларига эга бўлиши зарур. Бундан ташқари сувни ҳудабеҳуда исроф қилмаслик юзасидан назорат олиб боришлари, барча корхоналарда сувдан қайта фойдаланиш чораларини кўриш керак.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

• Бизнинг интервью

Радж Капур: «ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВАМАН»

Таниқли ҳинд кино устаси Радж Капурга шаҳримизнинг кўпгина проспектлари ва муҳташам бинолари жуда таниш. У аэропортдан Тошкент кинофестивали иштирокчилари учун ажратилган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси томон йўлда келаётиб Шота Руставели кўчаси муюлишида таржимонга нимадир деди. Таржимон эса унинг сўзларини баён қилиб берди:

— Жаноб Капур, ҳозир ўнгга буриламиз, кейин эса «Россия» меҳмонхонасидан ўтиб, Революция хиёбони ёнидаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасига борамиз, деди.

Капурнинг ўзи ҳам кулиб қўйди. Қачонлардир Тошкентни ўзининг иккинчи уйи деб атаган киши унинг кўчаларини ёдидан чиқармабди.

— Пойтахтингизга биринчи марта 28 йил муқаддам келгандим, — деди меҳмонхона номерида Радж Капур. — Шундан буён, образли қилиб айтганда, кўп сувлар оқиб ўтди. Менинг ҳаётимда ҳам кўп ўзгаришлар рўй берди. Аммо Тошкентга дастлабки келган пайтимда туғилган муҳаббат халигача сўнггани йўқ. Бу муҳаббат сизнинг шаҳрингиз йил сайин гўзаллашиб боргани сингари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Мен Тошкент фестивалларига ташриф буюришни жуда севаман. Чунки бу ерда ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муҳитини бирданига яққол ҳис этасан киши. Шу боисдан мен ўз фильмларида ҳам инсонларга дўстлик, бир-бирига ишонч, тинчлик накадар кераклигини кўрсатишга ҳаракат қиламан.

— Жаноб Капур, мавзу ўз-ўзидан сизнинг фильмларингизга бориб тақалаяпти. Келинг, шулар ҳақида эслайлик. Эҳтимол «Дайди» фильмингиздан бошлармиз-а?

— Йўқ-йўқ, агар картиналар ҳақида гап кетса, менинг дебютимдан бошлай қолайлик. Менинг биринчи режиссёрлик ишим «Аланга» фильми билан бошланган. Мен бу фильмимда ўз принциплари буржуазия аҳлоқига зид келган ўсмир ҳаётини ҳикоя қилганман. «Ёмғир» деб номланган фильмим ҳам аҳлоқий мавзуда бўлиб, тоғ қишлоқларида яшовчи оддий кишилар қалбидаги юксак ахлоқий фазилатлар ва ҳаққонийлик тушунчаларини акс эттирган эдим.

Бу икки картинада фойда келтирадиган фильмларга хос жиҳатлар ҳам бўлса-да, унда мен одамларнинг ҳаётга, мавжуд шарт-шароит ва тартибга муносабатларини очиб беришга ҳаракат қилганман. Мен шу йўналишда ижод қилиб ижтимоий муаммоларни кенгроқ қамраб олишга ҳаракат қилдим. Бунинг натижасида «Дайди» фильмим яратилди.

— Бу лента сизнинг ижодингизда маълум даражада ўзига хос босқич бўлиб қолди. Яна қандай фильмларни ўз ижодий йўлингизда муҳим из қолдирган деб ҳисоблайсиз?

— Ҳар бир фильм агар у қалб иштиёқи билан яратилса, ўзига хос даврдир. Шунинг учун ҳам «Жаноб 420», «Менинг исмим масхарабоз», «Тун оғушида» каби ленталарим мен учун айниқса қадрлидир. Бу фильмларга ҳар доимгидек кўп меҳнат сарфлаганман, катта қийинчиликларни босиб ўтишга тўғри келган. Умуман кино доимо машаққатли меҳнатни талаб қилади. Мен ўзимнинг издошларимга менинг йўлимдан бораётган бошқа санъаткорлар қатори Шаши ва Риши Капурларга ҳам доимо шу фикримни уқтиришга ҳаракат қиламан.

— Ҳа, айтгандай нега улар бу гал Тошкентга сиз билан бирга келишмади?

— Бунинг сабаби ҳозир улар жуда тиғиз ишлар билан бандлигида. Менинг ўзим ҳам фестивалнинг иккинчи ярмига етиб келдим. Ҳозир янги фильмни суратга олишни ниҳоясига етказаяпман, деярли ҳар бир соат ганимат.

— Агар сир бўлмаса ана шу янги фильм ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Йўқ сир эмас. Мен ҳатто уни ушбу фестивалга олиб келишга ваъда ҳам бергандим... Аммо кино худди об-ҳавони олдиндан айтиш мушкул бўлгандек бир гап. Айрим эпизодларни суратга олишга улгурмадик. Шунинг учун ҳам картина яратиш ишини тугаллаш бироз кечикди. Айни шу кунларда ушбу картинадаги сўнгги эпизодлар устида иш бораяпти. Риши ана шу ишлар билан машғул. Бу фильм хозирча шартли ном билан «Ишқ дарди» деб аталган. Картина сюжетидаги каби унинг номланиши ҳам кулгилироқ.

— Илгари ҳам сиз бундан ҳам кулгилироқ, яъни кинокомедия жанрига таалуқли — «О хотин, хотин!..» фильмини суратга олгандингиз. У нима ҳақида?

— Эҳтимол, сизнинг оилангизда ҳам худди менинг ва бошқа миллионлаб оилалардаги каби улар қайси мамлакатда яшашларидан қатъий назар бир-бирига ўхшаш ситуациялар бўлиб турарди. Шундай ситуацияга тушиб қолган одам «О хотин, хотин...» деб юбориши мумкин. Картинам ана шу ҳақда, албатта бунинг учун аёллар мени кечирсин.

— Сиз, жаноб Капур, ҳозир ўғлингиз Риши нима ҳақида бандлигини айтдингиз, аёлингиз ҳақида ҳам (улар сизни кечиришиб бўпти) гапирдингиз, келинг энди, кичик укаларингиз ҳақида фикрлашай.

— Мен сизни тушундим.. Кўриниб турибдики, Шаши Капур ҳам ҳозир менинг ёнимдамас, бунинг учун у жуда афсусланаяпти, албатта. Аммо уни ҳозир ишдан қолдиришнинг ҳеч бир имконияти йўқ. У ҳозир фақатгина актёр эмас, режиссёр ва продюссер сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатаяпти.

— У продюссеор сифатида, Ҳиндистоннинг прогрессив режиссёри Шьям Бенегалнинг жиддий ижтимоий муаммолар кўтариб чиқилган «Бизнинг аср» фильмида бош ролни ижро этганидан кейин янада машҳур бўлиб кетди.

— Шаши яна продюссер сифатида чиқмоқда, режиссёрлик ҳам қилмоқда. Менимча, у ҳозир жуда қизиқарли, ижтимоий ва психологик йўналишдаги фильмлар яратди. Бу фильм «Чауранги кўчаси, 36» деб номланади. Мен ушбу картинани Тошкентга олиб келдим, уни фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига намойиш этмоқчиман.

— Жаноб Капур, сиз ҳар гал Тошкентга келганингизда юртимизнинг диққатга сазовор бўлган жойлари билан танишасиз. Улар сизда қандай таассурот қолдирмоқда?

— Ҳа, мен ҳар гал Тошкентга келганимда ўзимни шу шаҳарнинг бир кексаси сифатида тасаввур этгим келади. Ўтган якшанба куни мен фестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари сафида жаҳонга кўплаб етук алломалар етказиб берган, энг кадимий шаҳарларидан бири Бухорода бўлишга муяссар бўлдим. Ўзбеклар юрти етказган Беруний ва Абу Али ибн Сино номлари бизнинг Хиндистонда ҳам жуда машҳур. Бухоро бўйлаб саёҳат қилаётиб гўё Шарқ тарихига саёҳат қилгандек, бугунги Ўзбекистоннинг гўзал турмушини яқкол ҳис этгандек бўлдим. Бу Тошкент кинофестивалида вакиллари учрашган Осиё, Африка, ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларга ёрқин намунадир.

— Ажойиб суҳбатингиз учун катта раҳмат, жаноб Капур.

— Сизларга ҳам, тошкентликларга, меҳмондўст Ўзбекистоннинг барча аҳолисига уларнинг диққат-эътиборлари учун катта раҳмат. Мен чин қалбимдан уларга мустаҳкам соғлиқ ва бахт, тинчлик, ажойиб заминларига эса улкан саҳоват тилайман.

Суҳбатни Э. ЗОХИДОВ, Ю. КАЗАЧЕНКОлар ёзиб олишди.

◆ СИНОПТИКЛАР ХАБАР БЕРАДИ

ЁЗНИНГ БИРИНЧИ ОЙИ

Одатда июнь ойи қурғоқчил ва иссиқ бўлади. Бу йил-чи? Бу йил июнь ойида ўртача ҳарорат май ойига нисбатан 4-6 даража юқори бўлади. Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати 23-26 даража — аввалги йиллардаги ўртача ҳароратга тенг бўлиши кутилмоқда. Ой давомида кечқурунлари ҳарорат 16-21, кундуз куни 32-37 даража иссиқ бўлади. Ойнинг учинчи ўн кунлигида ҳарорат 40 даражагача кўтарилиши мумкин.

Ойнинг биринчи ўн кунлигида ҳавонинг кечқурун 10-15, кундуз кунлари 20-25 даражагача пасайиши кутилмоқда.

Июнь ойида аксарият кунлар кам булутли, қуруқ бўлади. Фақат ойнинг биринчи ўн кунлигида сел ёғиши, момақалдироқ бўлиши, баъзи ерларда шамолнинг тезлиги 15-20 метрогача етиши мумкин. Ёғингарчилик ойлик миқдори аввалги йиллардагидек бўлиб, 7-14 миллиметрни ташкил этади.

телетайп лентасидан

◆ **БРЮССЕЛЬ.** Бельгия пойтахтида бирлашган касаба союз фронтининг даъватига биноан метро поездлари, трамвайлар ва автобуслар линияга чиқмади. Бельгия пойтахтининг транспортчилари забастовка эълон қилдилар. Забастовкачилар мамлакат жамоат транспорти ходимларини бўшатишга қаратилган ҳукумат тадбирлари бекор қилинишини талаб этмоқдалар. Улар меҳнат шароити яхшиланишини ҳам талаб қилмоқдалар.

Яқинда Бельгиянинг Антверпен ва Шарлеруд деган катта шаҳарларида жамоат транспорти ходимларининг оммавий забастовкаси бўлиб ўтди. Бир неча соат мобайнида бу шаҳарларнинг асосий транспорт йўллари тўхтаб қолган автобуслар билан тўсиб қўйилди.

◆ **ГАРБИЙ БЕРЛИН.** Ғарбий Берлиндаги 170 дан ортиқ сиёсий, касаба союз, ёшлар ва хотинқизлар ташкилотлари қўшма баёнот эълон қилдилар, баёнотда шаҳар аҳолисини 10 июнда НАТО мамлакатлари авж олдираётган қуролланиш пойгасига қарши кураш шиорлари остидаги намойишларда иштирок этишга даъват қилдилар.

Ҳужжатда Америка маъмуриятининг тинчлик иши учун хатарли бўлган сиёсати қораланади, НАТОнинг Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учадиган ядро-ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги қарори бекор қилиниши талаб этилади.

◆ **ИСЛОМОБОД.** Покистондаги энг катта шаҳарлардан бири Карочи аҳолисининг деярли ярми ҳаробаларда яшамоқда, дейилади Синд вилояти ҳукуматининг докладида. Яшаш учун нобоп бўлган жойларда кун кечиришга мажбур бўлаётган кишиларнинг 30 процентдан ортиги маъмурият аппаратларининг қуйи мансабдорлари ва малакали ишчилардир.

◆ **АДДИС-АБЕБА.** Эфиопия пойтахтида Эфиопия, Ливия ва Яман Халқ Демократик Республикасининг ахборот комитети иш бошлади. Бу комитет мазкур мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама шартнома доирасида амал қилмоқда.

Эфиопия ахборот ва миллий ориентация министри Гирма Пильма учрашув очилишида сўзга чиқиб, матбуот, радио ва телевидение халқаро империализм ҳамда реакциянинг агрессив кирдикорларига қарши курашда муҳим роль ўйнаши зарурлигини таъкидлаб ўтди. Эфиопия, Ливия ва ЯХДР, деб таъкидлади у, ўз ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашлари ва пропаганда соҳасидаги кучгайратларини мувофиқлаштиришлари керак.

◆ **ЖАЗОИР.** Бу ерда «Ривожланиш ва халқаро муносабатлар» мавзуида халқаро семинар ўз ишини тугатди. Семинарда турли давлатлардан 60 дан кўп таниқли олим, шу жумладан социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан келган сиёсий ва давлат арбоблари иштирок этдилар. Халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни саклаш, қуролланиш пойгасини чеклаш, қуролсизланиш — халқлар ўртасида кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўювчи энг муҳим шартлардир. Семинарда нутқ сўзлаган кўпчиликнинг асосий фикри ана шундай бўлди.

Семинар қатнашчилари Рейган маъмуриятининг сиёсатини қаттиқ танқид қилдилар, бу сиёсат Америка монополиялари ва кўп миллатли корпорацияларнинг манфаатларини юқори қўймоқда ва ривожланаётган мамлакатлар халқларининг қонуний манфаатларини ҳисобга олишдан бош тортмоқда.

(ТАСС).

ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА, СОВЕТ КИШИСИ ҲАҚИДА КОНКРЕТ ҒАМХЎРЛИК

ҮРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «СССРНИНГ 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАДИНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1982 ЙИЛ МАЙ ПЛЕНУМИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Коммунистлар, барча меҳнаткашлар Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисидаги доклади, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ҳужжатлари билан ғоят қизиқиб ва чуқур маънодор бўлиб танишмоқдалар.

Актив сиёсий ишни авж олдириб юборди. Л. И. Брежнев докладининг ғоявий бойлигини, КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатларини ўрганишда, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришда, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ўз шахсий ҳиссасини кўпайтиришда коммунистларга, комсомолларга, барча совет кишиларига ёрдам бериш — партия ташкилотларининг энг муҳим бурчидир. Шу мақсадда бу йил июнь ойида партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида иккита машғулот ўтказилади.

Пропагандистларга ёрдам тарзида **машғулотларнинг намунали плани** эълон қилинмоқда.

1. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг тарихий аҳамияти. Л. И. Брежневнинг Пленумдаги доклади — революцион назарияни, КПССнинг ленинча аграр сиёсатини изчил ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигида (мамлакатда, республикада, ўлкада, областда, районда, хўжаликда) қилинган ишнинг якунлари. Совет деҳқонларининг турмуш ва меҳнат шароитларидаги чуқур ўзгаришлар. Партиянинг ҳозирги аграр сиёсати — илмий, тўғри сиёсат эканлиги.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга оид, Озиқ-овқат программасини ҳал этишга хизмат қиладиган кенг миқёсли, таъсирчан тадбирларнинг объектив зарурлиги.

2. СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси.

— **Агросаноат комплексини ривожлантиришнинг асосий вазифалари** (мамлакатда, республикада, ўлкада, областда, районда, хўжаликда).

Дон етиштириш жадал ва барқарор кўпайтириш — энг муҳим проблема. Чорвачилик, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш — қишлоқдаги зардоб фронт. Картошка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, сифатини ошириш, нобуд бўлишини қисқартириш. Қанд-шакар, ўсимлик ёғи ва маргарин маҳсулоти, чой барги, пахта етиштиришни ошириш, балиқ овлашни кўпайтириш. Корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида озиқ-овқат етиштириш анча кўпайтирилсин. Қишлоқдаги ҳар бир оиланинг томорқа участкаси бўлсин.

— **Агросаноат комплексининг моддий-техникавий базасини ривожлантириш.** Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш потенциалидан юксак самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг, бутун агросаноат комплексининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш — Озиқ-овқат программасини муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг энг муҳим шарти. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва саноат озиқ-овқат тармоқларини техника билан қайта қуроллантириш. Қишлоқ хўжалигини химиялашни ва ерларни мелиорациялашни ривожлантириш. Капитал маблағлардан тўла-тўкис ва самарали фойдаланилсин. Агросаноат комплексининг қурилишлари — алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлган зарбдор қурилишлардир. Агросаноат комплексини транспорт билан таъминлаш — энг муҳим вазифалардан бири.

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда илм-фан ролини кучайтириш. Илм-фан ва техника ютуқлари, илғор тажриба ҳамма жойда сабот ва изчиллик билан жорий этилсин.

— **Қишлоқни соцнал жиҳатдан қайта қуриш — Озиқ-овқат программасининг таркибий қисми.** Қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги, маданияти даражасини, унга медицина ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш. Кадрларнинг қишлоқда мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Ижтимоий ҳаётни ривожлантириш — қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишдаги бош вазифа.

3. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўллари.

— Қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш. Озиқ-овқат программаси — агросаноат комплексини планлаштириш ва бошқаришдаги принципиал янги қадам. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг демократик принципларини ривожлантириш. Территориал агросаноат бирлашмалари ва агросаноат комиссиялари. Бошқарувнинг район бўғини масъулиятини ошириш.

— Иқтисодий механизмни такомиллаштириш ҳамда колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш, уларнинг барқарор рентабеллигини таъминлашда хўжалик ҳисобининг ролини кучайтириш. Колхозлар, совхозлар ва уларга хизмат қилувчи тармоқлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлаш.

— Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва унинг сифатини оширишдан қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш.

— Чорвачиликда машғул бўлган ходимларнинг юлхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида мустаҳкам ўрнашиб қолишига доир тадбирлар.

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой, коммунал-маиший ва социал маданий шароитларини янада яхшилаш.

— Колхоз ва совхозларни раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш.

— Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ҳар томонлама оширилсин, коллективлардаги маънавий-психологик иқлим, уюшқоқлик ва интизом даражаси, меҳнатнинг самарадорлиги, пировард натижалар уларнинг фаолиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Одамлар билан ишлаш — партия ташкилотларининг ишидаги бош вазифа. Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда, ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишни такомиллаштиришда қишлоқ район партия комитетларининг роли. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун министрликлар ва идораларнинг, хўжалик раҳбарларининг, касаба союзлари ва комсомолнинг масъулиятн.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар қишлоқдаги иқтисодий вазиятни яхшиланп, соғломлаштириш керак. Бу тадбирлар ўз кўламлари, барча колхоз ва совхозларга таъсир қилиш кучига кўра жуда катта хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардир.

4. Озиқ-овқат программасини бажариш — умумхалқ иши. Совет халқи КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда. Умумхалқ социалистик мусобақаси янада юксалмоқда. Коммунистлар билан комсомоллар фидокорона меҳнат қилиш, ташаббускорлик, ирода ва сабот-матонат намунасини кўрсатишлари керак.

Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини юксалтиришда туб бурилиш бўлганини билдиради, бутун халқ хўжалигининг тараққиётини таъминлаш имконини беради.

Озиқ-овқат программаси 1982 йилдаёқ ўзининг дастлабки самараларини бериши керак. Деҳқончилик, чорвачиликдаги, қурилишдаги юксак натижалар — Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига ва ССР Иттифоқининг 60 йиллигига энг яхши туҳфадир.

Озиқ-овқат программаси, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг ҳужжатлари тинчлик ишига хизмат қилади. Совет кишиларининг меҳнати — социалистик Ватан қудрати ва равнақини мустаҳкамлашнинг негизидир.

• *Беш йиллик гвардиячилари*

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

(ОЧЕРК)

Поезд прожекторининг ўткир нури тун бағрини тилиб бораяпти. Гилдиракларнинг бир текис «така-туқи» ёқимли бир куйни эслатади. Купеда тўрт бегона ҳамроҳимиз. Одатда бундай пайтда йўловчилар очилишиб кетишарди. Лекин бизда аксинча. Салом-аликдан сўнг, суҳбат узилди. Ҳамма ўз «хобби»си билан банд. Ҳозиргина перронда маҳбубаси билан қуюқ хайр-хушлашган ўрта бўйли, қорачадан келган, истараси иссиқ йигит табиийки, ширин ҳаёллар оғушида борарди. Новча бўйли, қотма киши эса газета ўқиётган. Фақатгина ёрамиздаги тилла тишли, бақалоқ киши безовта кўринарди. Афтидан у ҳамроҳларининг «кўнгилдагидек» эмаслигидан энсаси қотаётганди.

Ниҳоят у чидолмади. Сумкасидан қоғозга ўралган шишани олиб қўшни купедаги «шўх» йигитлар олдига чиқиб кетди.

Газета ўқиётган киши худди шуни кутаётгандай енгил бир «уф» тортди-да, йигитга юзланди:

— Кечирасиз йигитча, қаерда ишлайсиз, — деди у қизиқсиниб.

— Тошкент трактор заводининг 27-цехида силлиқловчи бўлиб ишлайман, — деди йигит. — Кечқурун политехника институтининг трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари факультетининг 5-курсида таҳсил олаяпман...

— Ўҳў, —деди новча киши кўз ойнагини олар экан, — ҳам ишлаб, ҳам ўқиш осон эмас, албатта. Тўғри қиласиз, ёшлик кучқудратидан унумли фойдаланиш керак. Ёшликда қўйилган мустаҳкам пойдевор умрнинг сўнгигача етади, ука. Келинг, танишиб қўяйлик. Отим Мансур, конструкторман. Сизники-чи?

— Эркин Маматкаримов, — деди йигит конструкторнинг қўлини маҳкам сиқиб, таниқсанимдан ҳурсандман. Газетада нималар ёзишибди, узоқ тикилиб қолдингиз, — деди Эркин ҳазиломуз.

— Сизнинг заводингизни-да, — деди конструктор жилмайиб. — Ўша ерда ишлайсиз-у, янгиликдан хабарингиз йўқ экан-да! Андижон областининг Ленинск шаҳрида Тошкент трактор заводининг филиали очилибди. Энди бу ерда пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ишлаб чиқарилар экан...

— Нега хабарим бўлмас экан, бор-да, — деди у завқланиб. — Биласизми, филиалда йилига 40 мингта прицеп ишлаб чиқариш мўлжалланган. Агар шундай бўлса пахта ташиш проблемасига чек қўйилади. Негаки, ҳозир пахта терими мавсумида «зангори кема»ларга тенгкелкалар етарли миқдорда етказиб берилмаяпти.

Эркин Мансур акасининг рўбарўсига қулайроқ ўтириб оларкан гапида давом этди:

— Филиал завод фаолиятида катта аҳамиятга эга. Прицеплар ишлаб чиқариш филиалга тўла ўтказилгач, биласизми, юзлаб малакали ишчиларни ишлаб чиқаришнинг бошқа «танг» участкаларига ўтказиш, ишлаб турган цехларда каттакатта майдонларни бўшатиш имкони туғилади. Янги беш йилликда 100 от кучига эга бўлган пахтачиликда ишлатиладиган тракторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз лозим. Бундай машиналар пахтазорларга ишлов беришдагина эмас, шу билан бирга ҳосилни даладан тайёрлов пунктларига ташишда ҳам меҳнат унумдорлигини оширади. «Ташсельмаш» заводи янада унумлироқ терим машиналари учун ўзи юрар шассилар олади...

Эркин ўйланиб-тошиб гапирарди. Ҳамма нарсадан хабардор, коллектив, корхона шарафи учун чин юракдан ғамхўрлик қиладиган инженер-конструкторга ўхшарди. У Эркининг сўзларини қизиқиб тингларди. «Ҳа, бундай йигитлар билан тоғни уриб талқон қилса бўлади» кунглидан ўтказди конструктор. Ў ҳеч дарёга бокди. Купе деразасидан ажён-ажёнда туташётган кучли ёруғлик худди чақмоқ ёғдусини эслатарди. Бир текисда қуйлаётган поезд ғилдиракларининг овози Сирдарё кўпригидан ўтганда бир зум ўзгарди: Эркининг назарида бу ўзи ишлайдиган совуқ штамплар участкасидаги баҳайбат станокларнинг «гуп-пишгга» ҳамоҳангдек туюлди. Шу пайт бақалоқ киши купега худди думалагандек кириб келди. Тўргина хонани «гуп» этиб ароқ ҳиди тутди.

— Кечирасизлар, энди озгина хурсандчилик қилдик. Нариги хонада ўзимизи ревизор йигит кетаётган экан. Буни қаранг, тасодифда! Бир кўрпанн остимасак бўлмай-ди-да! Бизнинг савдо иши ноэнк иш-у — шундай дея биринчи қаватга узала тушди. Эркин билан Мансур Пўлатович бир-бирига маъноли қараб олди. Бир зум ўтмай думалоқ киши ҳуррак ота бошлади...

Эркин чой олиб келиб қўйди.

— Қалай энди, заводда ишлаш оғир эмасми? — конструктор пиёладаги чойдан хўплар экан, Эркинга юзланди.

— Оғирликка оғирда, аҳир металл билан тил топишиш осонми. Силлиқловчилик касбининг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Маҳорат ошган сайин бу-лар соядек йўқолиб кетаркан. Ўзингиз билгандек, бизнинг ишда ўта аниқлик ва сабот керак. Деталлар фақат чизмалар асосида тайёрланади. Дастлаб қийналдим. Ҳатто ташлаб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин уялдим. Чунки, институтнинг кечки бўлимига кирганимиздан кейин бизларни — олти кишини: мен, Бобохон Турсунметов, Абдусамат Тожибоев, Абдураззоқ Тўраев, Роза Жинибоева ва яна икки ўртоғимизни комсомол йўлланмаси билан заводга жўнатишган эди. Тўрт киши станок билан «тил топишолмай» кетиб қолди. Мен ўзимда кетмаганимдан энди жуда хурсандман. Цех бошлиғимиз Петрос Саркисович Айрапетянинг «Эркин, ҳар бир ишнинг ўз машаққати бўлади. Ана шуни енгган кишигина чинакам касб эгаси бўлади. Ахир бекорга айтмайдилар: «Дарахт бир жойда кўкаради» деган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглайди. Смена топшириқларини 1,5 баравар адо этаман. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш ташаббусига қўшилганман. Яқинда цех коммунистлари менга катта ишонч билдиришиб, КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар. Хуллас, корхонада ўз бахтимни топаяпман...

— Биласизми, Мансур ака, — ҳикоя қила бошлади Эркин орадаги бир зумлик сукунатни бузиб, — заводимизнинг кучли трактор-лар, филиалнинг прицеплар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиши маҳсулот сифатини ҳам яхшилаш имконини беради. Ҳозир объектда «Стальмонтаж» бошқармасининг А. Жалолов бошлиқ бригада бунёдкорлари монтаж ишларини олиб боришяпти. Аммо лекинн ҳам бор.

У шундай деди-ю бир зум сукутга толди. Сўнг гапида давом этди:

— Ўтган йили объектда 4 миллион 490 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш мўлжалланган эди. Бироқ бу ерда уч миллион сўмлнкка яқин иш бажарилди, холос. Бунинг туб сабабларн бор. Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Главстройиндустрия» қорхоналари темир-бетон ва металл конструкциялари билан етарли таъминлай олмаяпти. Шунингдек, «Таштрактороспо» трестининг 126-механизациялашган кўчма колоннаси монтажчиларн меҳнат қилаётган қозонхона корпуси қурилишида ҳам ишни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Чунки, бюрократчи ўз вақтида иш фронти очиб беролмади. Менимча, ҳозир корхонамиз раҳбарлари ҳам ўз ғамхўрлигини кўпайтиришга хос қийинчиликларни енгиб, ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни мўлжаллаяпти. Лекин бу вазифани адо этишнинг ўзи-дан ҳам қийинроқ вазифа — ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини тезроқ ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун кенг имконият яратади...

Ҳуллас, Эркин бизга бригада пудратининг афзалликлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди ва сўзининг охирида участкада биринчилардан бўлиб бригада тузмоқчилигини айтди...

Мен бунга аминман. Чунки ундаги жўш урган ташаббускорлик эртами-кечми ҳозирда энг илғор усул деб топилган бригада пудратини жорий этишга жазм этади.

Биз ниш — қоронғу, аммо ёритгичлар билан ёритилган цехдан тушгоҳда чиқдик. Бир қатор цехларда сокинлик, ҳукмрон баъзиларида эса меҳнат қўшиғи куйланарди. Тушликда Эркин ёшликдаги орзусига эришаётганини қувониб сўзлади.

— Асли ўзим Самарқанд областининг Каттақўрғон районида туғилганман. Деҳқонпахтакор ўғлиман. Ёшлигимда қоп-қанорларда — араваларда пахта ташиётганларни (ўзим ҳам ташиганман) кўриб ачинардим, албатта катта бўлсам пахта ташийдиган прицеплар ишлаб чиқараман деб орзу қилар эдим. Мана шу даргоҳда қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлашда иштирок этаётганимдан, деҳқоннинг оғирини озми-кўпми енгил қилишга, ҳисса қўшаётганимдан мамнунман...

Дарвозадан чиқар эканман, иккинчи смена ишчилари ишга келишаётганди. Кўпчилиги ёшлар. Эркиннинг тенгдошлари. Ҳаммаси оловқалб ёшлар. Чинакам ишчи синфининг муносиб ворислари. Улар катта ҳаёт бўсағасида турибдилар. Ёш ишчилар орасида меҳнатсевар, ташкилотчи, жонкуяр ёш коммунист Эркин Маматкаримовдек замондошларимиз кўплигидан қалблар завқшавққа, ифтихор туйғуларига тўлади.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

2 ИЮНЬ, 1982 й.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида Тошкентнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажагига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Конференция Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган бўлиб, сўзга чиқувчилар унинг ўтмиши, ҳозирги куни, келажаги ҳақида, Тошкентдаги қадимий архитектура ёдгорликларини сақлаш проблемалари ҳақида сўзлашди. Айниқса, Тошкент Бош планининг бош архитектори, архитектура фанлари кандидати М. Д. Лифановскаянинг «Тошкент — келажакда» мавзуидаги нутқи қизғинларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек конференция иштирокчилари «Тошкентнинг ўтмиши ҳақида»ги Санъатшунослик институтининг архитектура сектори мудири, архитектура фанлари доктори М. С. Булатовнинг мазмунли докладини тингладилар.

Конференция сўнггида тўпланганлар Тошкент шаҳри ҳақидаги адабиётлар обзори билан танишдилар. Кутубхонанинг кўргазмалар залида мазкур темага, пойтахтимиз Тошкентга бағишланган китоб кўргазмаси ташкил этилди. Кутубхонада Тошкентнинг 2000 йиллаги олдидан кўплаб оммавий-ташкилий ишлар режалаштирилган.

М. ИСҲОҚОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Сату-Маре шаҳрида янги замонавий аэровокзал дастлабки пассажирларни қабул қилди. Бу вокзал энг замонавий радионавигация асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиб, «АН—24», «ИЛ—18», «ТУ—154» самолётларини қабул қила олади.

Руминияда аэропортларни модернизация қилиш ва кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатни Европа, Осиё, Африка ва Шимолий Америка мамлакатларининг 35 пойтахти билан мунтазам рейслар боғлаб турибди. Мамлакат ичидаги авиалинияларн республиканинг 30 шаҳри ва аҳоли пунктлари билан боғламоқда.

∴ ∴ ∴

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йоркнинг аҳоли зич жойлашган Бруклин районида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган 50 тоннадан ортиқ химия ишлаб чиқарувчи чиқиндн майдончаларида сақланмоқда. «Нью-Йорк дейли Ньюс» газетаси ана шуни маълум қилди. Шаҳар мэрлари, деб таъкидлайди газета, маҳаллий кампаниялардан бирига ана шундай уюмларни вужудга келтиришга рухсат берди. Уюмлар аҳоли саломатлигини жиддий хавф остига қўяди.

∴ ∴ ∴

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ғарбий Берлинда ишлаш имкониятидан маҳрум бўлган олий маълумотли мутахассислардан қарийб 6.000 киши рўйхатга олинган. Булар орасида инженерлар, архитекторлар, юристлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа касбдаги кишилар бор. «Вархайт» газетасида шу маълумотлар эълон қилинди.

∴ ∴ ∴

РИМ. Италиянинг катта шаҳарларидан бири Туринда қимматчилик ошиб бормоқда. Маҳаллий муниципалитет эълон қилган маълумотларга кўра, шу йилнинг май ойида Туринда чакана нархлар ўтган йилнинг шу ойидагига қараганда 15,3 процент ошган.

∴ ∴ ∴

ТОКИО. Токио кўрфази соҳилида жойлашган Кавасаки шаҳри Япониянинг энг йирик саноат марказларидан бири, деган хунук ном олди.

Шу шаҳар врачларининг уюшмаси атроф муҳит ниҳоятда ифлосланиб кетганлиги туфайли астма касалига чалинган беморларни уч йил давомида тадқиқ этганлар. Кавасаки даволаш муассасаларида 1980 йилда астма касалига чалинган 6 мингдан ортиқ бемор даволанганлиги аниқланди. Бу эса 1979 йилдагига қараганда деярли минг киши кўп демакдир.

Япония соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг маълумотларига кўра, бу кўрсаткич мамлакатнинг бошқа районларидагига нисбатан уч баравардан ҳам зиёддир.



Аргентина билан можарода Англиянинг ҳарбий кучни ишга солаётгани Буэнос-Айресда норозиликни кучайтирмоқда. Англиянинг янги агрессияси халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

СУРАТДА: Буэнос-Айресда норозилик намойиши. АП—ТАСС телефотоси.

КЎПЧИЛИК АМЕРИКАЛИКЛАР ФИКРИ

НЬЮ-ЙОРК. Америкаликларнинг жуда катта фикри ядро қуролини синаб кўришни, ишлаб чиқаришни ва кўпайтиришни тўхтатишни ҳамда Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқини айни бир миқдорда ядро қуролларига эга бўлишни талаб қилмоқдалар. «Нью-Йорк таймс» газетаси «Си-Би-Эс» телекомпанияси билан жамоатчилик фикрини сўраб чиққанида, америкаликларнинг 87 процентн ядро қуролларини кўпайтирмасликни талаб қилди. Сўраб чиқиш натижалари Рейган маъмуриятининг ядро қуроллари соҳасида ССРдан устунлик қилиш ва ядро қуролини кўпайтирмаслик ғоясини рад қилиши АҚШ халқларининг фикрига хилоф эканлигини кўрсатиб турибди.

Америкаликларнинг катта кўпчилиги фақат шу масаладагина Оқ уйга қарши чиқаётгани йўқ. Маълумки, Қўшма Штатлар бирон-бир можаро юз берган тақдирда биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатиш мумкинлигини соқит қилишдан ҳозирги маъмурият тамомила бош тортмоқда. Сўраб чиқанларнинг фақат тўртдан бир қисмигина бу сиёсатни тўғри деб ҳисобламоқдалар.

МУНОФИҚЛИК ПОЗИЦИЯСИ

ТОКИО. Япония парламентининг қуйи палатаси ядро қуролини тугатиш, химиявий қуролларни ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлашни талаб қилувчи резолюцияни маъқуллади. Барча оппозициядаги партиялар-нинг депутатлари резолюцияни ёқлаб овоз бердилар. Узоқ давом этган мунозаралардан сўнг ҳукмрон либерал — демократик партия ҳам резолюцияга розилик берди. Бироқ бу партия АҚШнинг ядро стратегиясини расмий равишда ёқлаб чиқмоқда. Вашингтон маъмурияти илгари сурган «чекланган» ядро уруши концепциясига хайрихоҳлик билдирмоқда.

Маҳаллий обзорчилар либерал—демократик партиянинг бундай йўлини мунофиқлик деб баҳоламоқдалар.

Японияниг тинчликсевар жамоатчилиги ҳукмрон либерал—демократик партиянинг қуролсизланиш масалаларига нисбатан аниқ позицияда туришини ва Америка маъмуриятининг қуроллаииш пойгасини авж олдиришга қаратилган йўлини қоралашни талаб қилмоқда.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

• Фестиваль экрани

ЭЪТИҚОДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ўтаётган уч қитъа кинематографчиларининг VII Халқаро Тошкент кинофестивали панорамаси ўзининг сиёсий активлиги, курашчанлик руҳи билан диққатни жалб этади. Прогрессив кинематографчиларнинг империализм, неоколонализм системасини фош этиб, халқ оммасини, унинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қудратли овози Тошкент экранларида баралла янграяпти.

Камера — оммани уйғотишда, сиёсий онгини ўстиришда, шунингдек маърифат тарқатишда кинематографчилар қўлида кучли қуроздир. Шу қурол воситасида улар ҳаётга актив аралашиб, уни ўзгартириш, ирқчиликка, эксплуатацияга қарши тенг ҳуқуқлик, адолат ва тинчлик учун кураш йўлида оддий халқ оммасига улкан таъсир кўрсатаяпти.

Фестиваль экранларида намойиш этилаётган фильмларда эндн уйғониб келаётган ишчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, эксплуатацияга қарши бош кўтариши кўрсатилган. Бу империализм ҳукмрон бўлган мустамлака ва сиёсий жиҳатдан карам мамлакатлар кинематографияларида катта воқеалир. Бу йилги кўрикда намойиш этилган уч қитъа прогрессив экран усталари фильмларида ривожланаётган мамлакатлар кинематографчиларининг дунёқараши, сиёсий позицияси янада ойдинлашганлиги, улар маҳорати ошганлиги яққол кўриниб турибди.

Ишчиларнинг аввало ягона ташкилотга — улар манфаатини ҳимоя қилувчи касаба союзларига бирлашиб, жипслашган ҳолда курош олиб бориш зарурлиги ҳақидаги фикр Лотин Америкаси мамлакатлари тавсия этган кўпгина фильмларда қизил ип бўлиб ўтади.

Турли қитъа ва мамлакатларда яратилган «Вақтинчалик ревanш» (Аргентина), «Карнавал кечаси» (Мексика), «Амок» (Марокко), «Улар қора галстук тақмайдилар» (Бразилия) каби бадиий фильмлар муаллифлари ҳалқ оммаси, эксплуатацияга маҳкум этилган ишчилар синфининг тақдири ҳақида қайғуриб, уларга ачиниш, ҳамдардлик изҳор этиш билан бу кулфат, мусибат, ирқий таҳқирланишлар сабабчиси — империализмни қаттиқ танқид остига оладилар.

Инженер Педронинг («Вақтинчалик ревanш») инсонлик ҳуқуқидан маҳрум этилган кончиларни ҳимоя қилиб, ҳақиқат учун олиб борган кураши, Оттарино («Улар қора галстук тақмайдилар») бошчилигида фабрика ишчиларининг умумий намойиши ва Жанубий Африка негрларининг («Амок») мустақиллик учун чет эл оккупантларига қарши бош кўтариб чиқишлари маглубиятга учраса-да, бу —қудратли халқ оқими— оммани бир ёқадан бош чиқариб, жипслашган ҳолда, бадий-эстетик жиҳатдан ҳам юксак даражада ифодаланган.

Бразилиялик режиссёр Леон Хиршманнинг фестиваль экранига тавсия этилган «Улар қора галстук тақмайдилар» картинасида Оттарио оиласи мисолида Бразилия ишчилар синфининг тақдири, қонли кураши акс этган. Фильмда оила аъзолари, фабрика ишчиларининг сиёсий кураш фаолияти ҳақида параллель равишда фикр юритилади.

Икки севишган Тиан ва Мариялариинг муҳаббатини ифодаловчи лирик кадрлар билан бошланувчи бу фильм панорамаси, мавзуси аста-секин кенгайиб, чуқур драматизм — ишчиларнинг иш шароитини яхшилаш, иш ҳақини оширишни талаб қилиб, касаба союз бошчилигида умумий иш ташлашни уюштириши билан алмаша боради.

Оила қуришга қарор қилган икки ёш маслаҳат, дадил кураш олиб боришга, сиёсатдан четда турмасликка чақириқдир.

Инженер Педронинг («Вақтинчалик ревanш») инсонлик ҳуқуқидан маҳрум этилган кончиларни ҳимоя қилиб, ҳақиқат учун олиб борган кураши, Оттарио («Улар қора галстук тақмайдилар») бошчилигида фабрика ишчиларининг умумий иш ташлашни уюштириши билан алмаша боради.

Оила қуришга қарор қилган икки ёш маслаҳат, дадил кураш олиб боришга, сиёсатдан четда турмасликка чақириқдир.

Бразилиялик режиссёр Леон Хиршманнинг фестиваль экранига тавсия этилган «Улар қора галстук тақмайдилар» картинасида Оттарио оиласи мисолида Бразилия ишчилар синфининг тақдири, қонли кураши акс этган. Фильмда оила аъзолари, фабрика ишчиларининг сиёсий кураш фаолияти ҳақида параллель равишда фикр юритилади.

Икки севишган Тиан ва Мариялариинг муҳаббатини ифодаловчи лирик кадрлар билан бошланувчи бу фильм панорамаси, мавзуси аста-секин кенгайиб, чуқур драматизм — ишчиларнинг иш шароитини яхшилаш, иш ҳақини оширишни талаб қилиб, касаба союз бошчилигида умумий иш ташлашни уюштириши билан алмаша боради.

Оила қуришга қарор қилган икки ёш Тиан қийинчиликлардан, курашлардан чўчиб, сотқинлик йўлига ўтса, фабрика ишчиларининг ҳали пишиб етилмаган умумий намойишига экстремистларнинг аралашиши билан у маглубиятга учрайди.

Мария учун ишчилар манфаати ҳимояси қураш оловларидаги қийинчиликка бардош беролмаган Тиан муҳаббатидан устун келади. Мария ҳам, отаона ҳам Тиандан юз ўгиришади.

Онанинг:

— «Бегоналар орасида тўқ бўлгандан кўра ўз дўстларинг билан оч яшаганинг яхши», сўзлари ўз синфига хоинлик қилган ўғил шаънига айтилган жазодир.

«Улар қора галстук тақмайдилар» фильмида ишчиларнинг иш ташлаши маглубиятга учраб, кон тўкилишига сабаб бўлса-да, у келажакка ишонч билан йўғрилган оптимистик руҳдаги картинадир.

Фестиваль экранида намойиш этилаётган уч қитъа экран усталарининг бошқа фильмларида ҳам халқлар озодлиги учун, империализмнинг мустамлака сиёсатига қарши кураш олиб бораётган муштарак мақсадли кишиларнинг орзу-интилишлари ёрқин гавдалантирилган.

Маҳсура МИРЗАМУҲАМЕДОВА, санъатшунослик кандидати.



Пойтахтимизда ўз ишини ниҳоясига етказаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали уч қитъа экран усталарининг ҳақиқий кино байрамига айланди. Бу ерда улар ижодий мулоқотларда, баҳс ва мунозараларда иштирок этишди, бир-бирлари билан дўстлашишди.

СУРАТДА: фестиваль иштирокчиларидан Нигерия киноактёри Банаби Михон ва таниқли япон киноантрисаси Асако Кундо.

А. Зуфаров фотоси.

Озодлик ороли фильмлари

Лотин Америкасидаги биринчи социалистик давлат — Куба кинематографияси жаҳон кинематографиясининг энг яхши анъаналари асосида ривожланиб бормоқда. Озодлик ороли экран усталари ўз кинолентaларида социалистик революцияни мустаҳкамлашга, агрессорларнинг ҳар қандай фитналарига зарба беришга доимо шай турган қаҳрамон Куба халқининг бугунги ҳаёти манзараларини катта маҳорат билан очиб беришмоқда. Бу картиналарда мамлакатда социализм қурилишининг зафарли йўлга тушиб олганлиги, қуролланган халқ ўз ватанини душмандан ҳимоя этиш вазифаси кубалик негр сержант зиммасига тушади. У ҳаракатдаги армия сафида хизмат қилган бўлсада ўрмондан иборат оролни бир ўзи ҳимоя қилолмасди. Шунинг учун ҳам у ёш-ёш ўспирин кўнгилларидан иборат кичик бўлинма тузади. Бўлинмадаги ёшлар ҳали ҳарбий интизом жиҳатидан унчалик чиниқмаган, қуроллардан фойдаланишни билишмасада, уларнинг калбида катта эътиқод бор. Бу қандай бўлмасин Ватанни муқаддас Ватанни ҳимоя этиш масъулиятидир. Шунинг учун ҳам жисмоний жиҳатдан чиниқган ёш ўспиринлар бироз комик характердаги сержант билан тез тил топиб кетишади.

Ўсмирлар баъзан ўзбошимчалик билан қилган ишлари туфайли ситуацияларга кириб қоладилар. Душманларнинг найрангини тушунмасдан ўз постидан кетиб қоладилар. Бу оролга душман бандаларининг ўтиб қолишига шароит яратади. Ана шунда мушкул аҳвол рўй беради. Чунки оролга аста-секин ўрнашиб олаётган бир-икки душман бу ерда ўз мавқеини тиклашга, қўпорувчилик билан иш олиб боришга ҳаракат қилишади. Улар гоҳ қайиқда, гоҳо эса аквалангист шаклида қисқичбақа қиёфасида оролга ўтиб оладилар. Лекин нариги оролда ўспиринларнинг содиқ дўстлари маяк ёқувчи ва унинг қизлари яшашади. Маяк ёқувчининг иккала гўзал қизи ўспиринни яхши кўриб қолишади. Қизлар душман галаларини уларнинг уйида ўрнашиб олиб оролга катта группа билан ташланмоқчи бўлиб турган пайтда электр токини узиб, маякни ўчириш билан сигнал беришади. Оролдаги душманларни қўлга олган ўспиринлар энди уларга яна катта куч билан душман ташланишини олдиндан билиб, тайёргарлик кўришаётган шаҳримизда 8 та дорихона коллективи «Коммунистик меҳнат корхонаси» ва 3 та дорихона коллективи «Юксак маданият коллективи» деган номга эгадир.

Бизнинг дорихонамиз ҳам ана шундай шарафли ном олган коллективлардан биридир. Дорихонада юқори малакали, олий маълумотга эга бўлган 22 провизор-технолог ва 18 та ўрта маълумотли фармацевтлар ишламоқда. Улар даволаш муассасаларига керакли дори-дармонларни ўз вақтида бехато етказиб бермоқдалар.

Дорихонамиз 1975 йилда 428 минг сўмлик дори-дармон тайёрлаган бўлса, бу йил 531,4 минг сўмликка мўлжалланган. Булардан ташқари рецепт билан бериладиган дориларимиз сони ҳам кўпайди.

Дорихонада справка столи ташкил этилган. Баъзан бир дори-дармонлар ва янги чиққан препаратлар дорихонага келса, шифокорларга экспресс метод йўли билан хабар берилади.

Дорихона хизматчилари бирлаштирилган даволаш муассасаларидаги шифокорлар билан алоқани боғлаб, беморларнинг ўз вақтида керак бўлган дори-дармонлар билан, айниқса Улуғ Батан уруши инвалидлари ва қатнашчиларини ўз вақтида дори-дармон билан таъминламоқдалар. Доимий ёрдамга муҳтож беморларга дорихонада вақтинча бўлмаган, дори-дармонлар келганда уларга телефон ёки почта карточкаси орқали хабар бериш ишлари яхшиланди.

Шуни айтиш керакки, қанд диабети, юрак, қон босими касалликларида ишлатиладиган антибиотик, сульфаниламид ва бошқа препаратлар группаси кўпайди.

8-дорихона хизматчилари мамлакатимизнинг 60 йиллик тўйини ва Ўзбекистон доришуносларининг иккинчи съездини муносиб қабуллар билан кутиб олиш учун олинган социалистик мажбуриятга қўшимча мажбурият олиб, дорихона ишларини бундан буён ҳам яхшилайдилар.

Халил ТОЛИПОВ, Тошкентдаги 8-дорихона мудири.



Шифокор беморга фақат дори-дармон билангина эмас, ширинзабони, хушмуомаласи ва меҳрмуҳаббати билан ҳам даво бағишлайди. Шаҳримиздаги 5-болалар юқумли касалликлари шифохонасида ана шундай врачлар ишлашади. Мақсудахон Ғафуржонова йигирма йилдан бери болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиб келмоқда.

СУРАТДА: моҳир врач Мақсуда Ғафуржонова бемор қизчанинг соғлиғини текширмоқда.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Подагра хасталиги ҳақида батафсил маълумот ўқишни истардик. Бу касалликни қандай даволаса бўлади?

М. ШОДИЕВ, С. ҚУРБОНОВ, ишчилар.

ПОДАГРА НИМА?

Подагра организмда оқсил (пурин) алмашинуви бузилиши оқибатида келиб чиқади. Бу касаллик 35—40 ёшдан ошган ва бундан каттароқ ёшдаги эркакларда кўп учрайди, аёлларда эса асосан климакс даврида пайдо бўлади.

Бироқ, подаграни юзага келтирадиган сабаблар ҳам тўла аниқланмаган. Бу касалликнинг пайдо бўлишида овқатланиш табиати шубҳасиз катта роль ўйнайди. Жуда тўйиб овқатланиш, айниқса гўштни ва ўзида пурин асосларини тутадиган бошқа маҳсулотларни кўп ейиш подагра касаллигига имкон яратади.

Подагра кўпинча семириб кетиш, диабет, ўт-тош касалликлари каби моддалар алмашинуви натижасида келиб чиққан хасталиклар билан бирга кечади. Подагранинг юзага келишида ирсий мойиллик ҳам аҳамиятга эга. Бу ҳусусан мунтазам равишда жуда тўйиб овқатланадиган ва ҳаёт тарзи камҳаракатликдан иборат бўлган кишиларда муҳим роль ўйнайди.

Оқсил алмашинуви бузилиши натижасида организмда урат кислота тутилиб, йигилиб қолади, унинг тузлари эса асосан бўғимларга, бўғим халтачаларига тўпланади, бу эса бўғимларни яллиглантиради. Бўғимларнинг бундай яллигланиши қайталаниб туради.

Подагра хуружи одатда тўсатдан қаттиқ оғриқ билан бошланади. Оғриқ кўпинча оёқнинг бош бармоғи бўғимида юзага келади, бироқ оғриқ бошқа бўғимларга ҳам ўтиши мумкин. Подагра хуружи 3—5 кунгача чўзилади, кейин оғриқ аста-секин босилади ҳамда барча яллигланиш ҳодисалари йўқолиб кетади.

Суруиқали кечадиган подаграда кўпинча бош бармоқ бўғими, билак-кафт усти бўғими, тирсак, тизза бўғимлари зарарланади. Бу бўғимлар каттала-шади ва ҳаракатланганда оғрийди. Подагра асосан буйрак функциясининг бузилиши билан кечади бу эса артериал босимнинг ошишига олиб келади.

Подаграни даволашда парҳез овқат асосий роль ўйнайди. Парҳездан мақсад организмда пурин алмашинувини нормаллаштиришдан иборат. Бунинг учун жигар, буйрак емаслик, гўшт ёки балиқ солинган қайнатма шўрва ичмаслик лозим. Шунингдек исмалоқ, шовул, сарсабил каби ошқўлоқлар ҳамда нўхатни, истеъмол қилмаслик керак бўлади.

Гўшт, балиқ, парранда гўшти, ёғ камроқ ейилади.

Сут-қатиқ маҳсулотлари, тухум, сабзавотлар, мевалар, хамир овқатлар ва ёрмали таомлар ейиш тавсия этилади. Бундай парҳез организмда урат кислота ҳамда унинг тузларини эритишга ёрдам беради.

Подагра касаллигига учраган беморларга нерв системасини қўзғатадиган овқатлар ва ичимликлар — аччиқ зираворлар, дудланган маҳсулотлар, аччиқ чой, спиртли ичимликлар тавсия этилмайди. Зираворлардан фақат овқатга сирка, лавр япроғи ишлатиш, шунингдек лимон суви ичиш мумкин.

Агар юрак ва буйрак ишида бузилишлар бўлмаса, кунига ичиладиган суюқликни икки литргача етказса бўлади.

Вақти-вақтида, бироқ кўпи билан ҳафтасига бир кун фақат ҳўл мева, сабзавотлар еб енгиллашиш мумкин.

Подагра билан оғриётган одамга физкультура ва спорт билан шуғулланиш яхши фойда қилади, чунки кисмоний машқлар кишининг асабларини мустаҳкамлайди ва модда алмашинувини яхшилайди.

М. ОРИФЖОНОВА.

Элга хизмат — олий ҳиммат

ДОРИШУНОСЛАР РЕЖАСИ

Бемор дардига даво беришда шифокорларнинг энг яқин ёрдамчиси, малҳам тайёрловчиси доришунослар ва дори-дармон тайёрловчилардир. Химия мўъжизалари, наботот оламининг бой саҳоватидан доришунослар беморлар учун энг шифобахш дори-дармонлар тайёрламоқдалар.

Шуниси қувончлики, яқинда Ўзбекистон доришунослариниинг II съезди бўлиб ўтади. Бу съездда республикамизнинг ҳамма областларидан ва Тошкент шаҳри дорихона бошқармаларига қарашли дорихоналардан 250 делегат, Москва, Ленинград шаҳарларидан ва қардош республикаларидан 50 га яқин доришунос қатнашади.

Ўтган съезддан буён ўзбекистонлик доришуносларнинг ақлий ютуқларини қўлга киритдилар. Биргина Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармасига қарашли дорихоналар сони ҳозирда 122 тага етди. Бу дорихоналар ҳозирги замон асбоб-ускуналари ва мебеллари билан жиҳозланди, дорихона хизматчиларининг меҳнат қилишлари учун яхши шароитлар яратилди. Бошқармамиз ўз таъминот базаси — контрол-химико-аналит и к лабораториясига эга.

Шу ўтган давр ичида шаҳар дорихоналар хизматчилари орасида меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати кучайиб, 600 дан ортиқ киши «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган номга сазовор бўлди. Ҳозирда шаҳримизда 8 та дорихона коллективи «Коммунистик меҳнат корхонаси» ва 3 та дорихона коллективи «Юксак маданият коллективи» деган номга эгадир.

Бизнинг дорихонамиз ҳам ана шундай шарафли ном олган коллективлардан биридир. Дорихонада юқори малакали, олий маълумотга эга бўлган 22 провизор-технолог ва 18 та ўрта маълумотли фармацевтлар ишламоқда. Улар даволаш муассасаларига керакли дори-дармонларни ўз вақтида бехато етказиб бермоқдалар.

Дорихонамиз 1975 йилда 428 минг сўмлик дори-дармон тайёрлаган бўлса, бу йил 531,4 минг сўмликка мўлжалланган. Булардан ташқари рецепт билан бериладиган дориларимиз сони ҳам кўпайди.

Дорихонада справка столи ташкил этилган. Баъзан бир дори-дармонлар ва янги чиққан препаратлар дорихонага келса, шифокорларга экспресс метод йўли билан хабар берилади.

Дорихона хизматчилари бирлаштирилган даволаш муассасаларидаги шифокорлар билан алоқани боғлаб, беморларнинг ўз вақтида керак бўлган дори-дармонлар билан, айниқса Улуғ Батан уруши инвалидлари ва қатнашчиларини ўз вақтида дори-дармон билан таъминламоқдалар. Доимий ёрдамга муҳтож беморларга дорихонада вақтинча бўлмаган, дори-дармонлар келганда уларга телефон ёки почта карточкаси орқали хабар бериш ишлари яхшиланди.

Шуни айтиш керакки, қанд диабети, юрак, қон босими касалликларида ишлатиладиган антибиотик, сульфаниламид ва бошқа препаратлар группаси кўпайди.

8-дорихона хизматчилари мамлакатимизнинг 60 йиллик тўйини ва Ўзбекистон доришуносларининг иккинчи съездини муносиб қабуллар билан кутиб олиш учун олинган социалистик мажбурият олиб, дорихона ишларини бундан буён ҳам яхшилайдилар.

Халил ТОЛИПОВ, Тошкентдаги 8-дорихона мудири.



Ўрта Осиё педиатрия институтининг кўп профилли шаҳар болалар касалхонасида қўзға кўринган малакали шифокорлар фарзандларимиз саломатлиги йўлида ғамхўрлик қилишмоқда.

СУРАТДА: малакали шифокорлардан доцент Ҳасан Мирзаев врачлар Т. Усмонова, И. Князевалар билан ҳамкорликда беморнинг кўзини текширишдан ўтказмоқда.

И. Шонногомов фотоси.

• Сўраган экансиз...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

С. МАҲМУДОВ, Х. ХУДОЙҚУЛОВ, Р. УМУРЗОҚОВ: Қўлоёқ қаттиқ оғришига нима сабаб бўлади? Базилар бу касаллик томирлар хасталигидан келиб чиқади, дейишади. Бу касалликни қаерда даволаса бўлади?

Жавоб: Бу хасталик ҳақида тўлиқ маълумот олиш ва даволаниш учун Бутуниттифоқ кўкрак хирургияси илмий текшириш институтининг Тошкент филиали ҳамда кардиология илмий текшириш институтига мурожаат этиш мумкин. Мазкур шифохоналар метронинг «Чилонзор» станцияси ҳамда «Шифокорлар шаҳарчаси»да жойлашган.

* * *

М. НОРМАТОВ: Опа-сингиллар, акаукалар бир-бирларига ёғил-қиз бериб куда бўлишларя мумкинми?

Бу саволга врач А. Эргашев шундай жавоб беради:

— Опа-сингил, акаукаларнинг бир-бирларига қиз бериб, ўғил уйлантиришлари медицина нуқтаи назарида тўғри эмас. Лекин халқимизда «ўзимники ўзимга» қабилида иш тутиб қуда-анда бўлишади. Генетика фанининг исботлашича, бу одат янги оилаларнинг наслқолдиришда салбий таъсир кўрсатади. Туғилажак фарзанд анқов, довдир, онги яхши ривожланмаган, эси паст, кўр, соқов, жисмоний камчиликлар билан туғилади. Шунингдек, уларнинг болалари фарзандсиз ўтиши ҳам мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, қариндош-уруғлар бир-бирига никохланган оилалардан соғлом фарзандлар ҳам туғилган. Лекин авлоддан-авлодга ўтувчи рецессив (яширин) ёки ирсий касалликлар шу яқин қариндош уруғ бир-бирига уйланганда, улардан туғилган фарзандлар ўртасида кўпроқ учраши аниқланган. Яқин қариндош-уруғ бир-бирига уйланиши мумкин эмаслиги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган «Оила ва никоҳ» кодексида ҳам таъкидланган. Профессор Отаулла Оқиловнинг «Зурриёт сирлари» рисоласида ёзишича, «Баъзи халқлар ўз яқин қариндош-уруғ, яъни бир отадан ёки онадан пайдо бўлган авлодлар ўртасида қиз олиб, қиз бермаслик, ҳатто ўзлари яшаб турган жойлардан қиз олмай узоқ-узоқлардан уйланадилар, қизлар турмушга чиқадилар. Бундай оилаларда туғилган болалар чиройли, ақлли, бенуқсон бўладилар» дейилган. Юқорида айтиб ўтилган касалликлар онлада эркак ёки аёлнинг, ҳар иккисини спиртли ичимликларни доимий истеъмол қилишида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Севги-муҳаббат асосида қурилган оила, бу, инсонга хос энг яхши фазилатдир.

Буни ҳамма билиши керак

Пашшани йўқотинг

Кунлар исиши билан турли қурт-қумурсқалар, шунингдек пашшалар тез кўпаяди. Пашшаларнинг кўпайишига ҳар хил чиқиндилар, озиқ-овқат қолдиқлари ҳамда турли хил чиринган сабзавотлар сабаб бўлади.

Ахлат ўралар, тўлиб қолган ҳожатхоналар ва ҳайвонлар гўнги ҳам пашшаларнинг кўпайиши учун асосий омиллардан ҳисобланади. Пашша кўпгина юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Пашша қанотларига ва оёқларига касаллик микробларини ифлос жойлардан илаштириб олади ва очиқ ҳолда сақланган озиқ-овқат маҳсулотларига, мева ва сабзавотларга қўнганда уларни ифлослайди. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини улардан ҳоли жойда усти берк ҳолда сақлаш керак. Мева ва турли хил сабзавотларни эса доимо илиқ сувда ювиб истеъмол қилиш лозим.

Пашша ўз тухумларини ахлат чиқиндилари, чириган сабзавот чиқиндилари ва бошқа жойларга қўйиб кўпаяди. Кундузи ҳаво ҳарорати 20 — 21 даража, кечаси 15 — 18 даража бўлса, бу тухумлардан 7 кун ичидаёқ учадиган пашша пайдо бўлади. Пашша ҳаёти давомида икки мингтагача тухум қўяди. Биттадан пашшадан бир ёз мавсумида бир неча миллион пашша ҳосил бўлиши мумкин. Бир дона пашшанинг кўпайиши шунчалик экан, демак уларни қанчалик тез қўлга йиб кетиши ўз-ўзидан равшан бўлиб турибди. Шундай экан, соғлигимиз душмани бўлган пашшага қарши мунтазам равишда кураш олиб боришимиз керак.

Кимёвий моддалардан 150 грамм хлорофос таблеткасини 5 литр илиқ сувда эритиб одамларга ва озиқ-овқатларга зиён етказмайдиган ҳолда хоналарга сапратиб сепиш лозим. Шунингдек «Дихлофос», «Прима», аэрозоль баллончаларидан ҳам фойдаланиладн. Хлорофос эритмаси солинган идишга қоғоз четлари чиқиб турадиган қилиб солинади, устидан пашшани ўзига тортадиган ҳўраклардан (балиқ ёки гўшт бўлакчалари) қўйиш керак. Бундай идишлар пашшалар кўп жойга, ҳожатхоналар, ахлат тўпланадиган жойларга қўйилади. Пашша қуртига қарши канализация бўлмаган аҳоли пунктларида ҳожатхоналарни ва ахлат ўраларини, уй ҳайвонлари гўнглар (компост қилмасдан олдин) совункеросин аралашмасидан фойдаланиш билан дезинфекция қилинади. Бунда ярим литр керосинга тўрт литр совун суви эритмаси ёки ош тузининг қайноқ эритмаси қўшилади (Дезинфекция л о в ч и моддаларни шаҳар дорихоналаридан ва хўжалик магазинларидан харид қилишингиз мумкин).

Инсон соғлигининг душмани, юқумли касалликларни тарқатувчи пашшаларга қарши курашиш, уларнинг кўпайишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг вазифамиздир.

М. АЛИМОВ, Тошкент шаҳар профилактик дезинфекция бўлимининг бошлиғи.

А. ИСОҚОВ, мутахассис-энт о м олог.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. АҲМЕДОВА: Бадний каштачиликка жуда қизиқаман. Кийимига ўзи гул тиколадиган одамларга ҳавасим келади. Айтингчи, шу касбни қаерда ўрганса бўлади?

Жавоб: Шаҳримизда бу касбни ўргатадиган алоҳида ўқув юрти йўқ. Бироқ уйга иш берадиган бадний буюмлар фабрикасининг дўппи цехида ишлаган, дўппига гул тушираоладиган киши кийимларига гул тикишнинг бемалол уддасидан чиқади. Бу цех Эскижувада, республика табиат музейининг орқасидаги кўчада жойлашган. Ушбу цехда шаҳримиздаги ажойиб дўппидўз хотин-қизлар меҳнат қилишади. Улар ёшларга ўз касблари сирларини бажонидил ўргатишади.

* * *

Х. КОМИЛОВ: «Ўзбексельмаш» заводида ишлайман. Бу корхонага ишга кирганимга икки йил бўлди. Яқинда меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйдим. Энди менга бериладиган янги меҳнат дафтарчаси қандай тартибда тўлдирилади? Олдинги ишхонамдаги иш стажи бу меҳнат дафтарчамга киритиладими?

Жавоб: СССР Министрлар Совети Меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитетининг 1974 йил 20 июндаги 162-қарорига мувофиқ меҳнат дафтарчасини (унга қўшимча варақаин) йўқотган шахслар тезлик билан охирги ишлаб жойи маъмуриятига бу ҳақда билдириши керак. Маъмурият арз қилинишидан бошлаб 15 кундан кечиктирмай ишчи ёки хизматчига бошқа (янги нусхалардан) биринчи варақанинг тепа қисмини ўнг томонида «Дубликат» деб ёзилган меҳнат дафтарчасини ёки унга қўшимча варақани беради.

Меҳнат дафтарчаси дубликати ва қўшимча варақа умумий қоидаларга асосан тўлдирилади. «Иш ҳақида маълумот» ва «Рағбатлантиришлар ҳақида маълумот» каби бўлинмалар тўлдирилишида иш ҳақида маълумот, шунингдек, охирги мукофот ва рағбатлантиришлар аввал эълон қилинган буйруқларга асосланган ҳолда ёзилади.

Агар киши ушбу корхона ёки муассасада ишчи ёки хизматчи вазифасида ишлаган бўлса, у ҳолда меҳнат дафтарчаси дубликатини «Иш ҳақида маълумот» бўлинмасининг 3-графасига ушбу иш жойида ишлагунга қадар бўлган иш стажи ҳақидаги маълумот ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда ёзилади.

Умумий иш стажи яъни, йиллар, ойлар, кунлар ҳажми жамий қилиб ёзилади, бунда қайси корхона ёки муассасада қайси вақтларда ва қайси вазифада меҳнат дафтарчаси эгасининг ишланганлиги кўрсатилмайди.

Агар иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлардан бирида ишчи ёки хизматчини (шу корхонанинг ўзида) бир иш жойидан бошқа иш жойига кўчирилган бўлса, бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар ўз эгасига қайтарилади. Маъмурият аввалги иш стажининг тасдиқловчи ҳужжатларни олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Баъзи ҳолларда, яъни кўнгилли халқ қўшини ва партизанлик отрядида бўлгани (унга кириш ва хизматдан бўшаш вақти), Совет партия мактабларида ва рабфакларда ўқиган вақти, саноат кооператив артелида аъзоликда бўлган вақтига тегишли ҳужжатларнинг номери, номи, вақти эълоҳида ёзилади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

З Тошкент беш оқшоми

2 ИЮНЬ, 1982 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/VIда Ун учинчи ранс.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги иллюзион аттракционининг хайрлашув гастроллари.

КИНО

2 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — Ҳамза номли (17, 20.30, телефон 91-10-51).

«ИЛОН ЙИЛИ» — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87). Кўкча (тоқ соатларда, телефон 46-23-16). Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ГОБИ БА ХИНГАН ОША» — Искра (17, 20.00, телефон 39-11-76).

3 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — Ҳамза номли (12, 14.30, 17, 20.30, телефон 91-10-51).

«ГОБИ БА ХИНГАН ОША» — Искра (17, 20.00, телефон 39-11-76). Тинчлик (12.30, 15.30, 18.30, 21.00. Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 53-65-87).

М. Қорнёкубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 ИЮНЬ СОАТ 19.30да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

УЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛОМЖОН ЕҚУБОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

Солистлар: Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Новвотхон ЖЎРАЕВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Мусиқа раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Касса соат 14.00дан ишлайди.

ЯНА ХУДДИ ЯНГИДАГИДЕК...



Айтайлик, чиройли сумкангизнинг банди узилиб кетди. Уни ҳужрага ўлоқтиришга ёки ташлаб юборишга ошиқманг.

У яна узоқ хизмат қилиши мумкин. Бунда сизга «ИЛҒОР» БИРЛАШМАСИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ ЁРДАМ БЕРИШАДИ.

Уларнинг моҳир қўллари ишдан чиққан сумка ёки чемоданга, соябон ёки ҳамёнингизга қайта ҳаёт бағишлаши мумкин.

УСТАХОНАЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Эътиборингизга уларнинг адресларини ҳавола этамиз:

3 — Пушкин кўчаси (метронинг «Октябрь инқилоби» станцияси);

7 — Кафанов кўчаси 120-уй (Госпиталь бозори яқинида).

8 — Космонавтлар проспекти, маиший хизмат шаҳарчаси (Марказий бозор ёнида).

10 — Маиший хизмат уйи («Чилонзор» савдо марказининг ёнида).

13 — Оқтепа майдони (кўприк ёнида).

14—9-январь кўчаси (Бешюғоч бозорига кираверишда).

15 — Калинин кўчаси, 1«а»-уй (Олой бозорига кираверишда).

УСТАХОНАЛАРИМИЗ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

«ИЛҒОР» пойафзал ва чарм галантерея буюмларини якка тартибда тикиш ва ремонт қилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ХОНАНГИЗ ЧИРОЙИ УЧУН

ГИЛАМ — ШАРҚДА АНЪАНАВИЙ БЕЗАК БУЮМИДИР. ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР

Биз яшаётган уйимизни доимо чиройли бўлишини истаймиз. Хонани ҳар хил суратлар, керамика буюмлари ва гиламлар билан безатиш мумкин.

Хива гилам комбинатида ишлаб чиқарилган 1,5х2,25 м., 2х3., 3х4 м. ҳажмдаги гиламларни

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.



2 — Первомайск бозори.

3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй.

6 — Энгельс кўчаси, 94-уй.

9 — Строительний кўчаси, 1-уй.

10 — Фарҳод ярмаркаси.

14 — 4-Қўйлиқ турар жой массиви, 21-уй.

17/1 — Сергели бозори.

18 — Сельмашская кўчаси, 1-уй.

19 — У. Ширин кўчаси, 133-уй.

20 — ТТЗ—2 турар жой массиви, 2-уй.

25 — Навоий кўчаси, 24-уй.

28 — Оқтепа майдони.

16/1 — Морозов кўчаси (бозор).

33 — Б. Хмельницкий кўчаси, 1-уй.

34 — М. Ҳасанова кўчаси, 33«а»-уй.

«ТАШХОЗТОРГ» Ўзбекистон реклама агентлиги

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЎРТА УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

8-синф ҳажмида маълумотлилар: ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар состави ремонти бўйича слесарь, тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратураларн ремонти бўйича слесарь, электрик касбларига қабул қилинадилар. Улар давлат таъминотида бўладилар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўрта маълумотлилар: трамвай вагонларининг ҳайдовчиси, троллейбус ҳайдовчилари, автослесарь, конктактли ва қабул тармоғи ремонти бўйича электромонтёр касбларига қабул қилинадилар. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Ўқиш муддати — 10 ой.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар учун ва 17,5 ва ундан катта ёшдаги қизлар учун линия диспетчери ва троллейбус ҳайдовчиси ихтисослиги бўйича ўқиш муддати 6 ой, трамвай ҳайдовчиси ихтисослигига эса 5 ой. Ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 5 ВА 15 КУНИДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй (1, 17«а»-автобуслар, 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточная депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

Ўзбекистон ССР мебель саноати министрлиги ҳузуридаги

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

станокчи, фанерчи, дурадгор, ёғочни қайта ишлаш асбоб-ускуналарини созловчи, прессловчи, юмшоқ мебелларни қопловчи-безовчи. Ўқиш муддати — 1 йил; бадиий ва бежамдор мебеллар дурадгори, мебелсоз дурадгор. Ўқиш муддати — 3 йил; ошхона мебелларини ишлаб чиқарувчи мебелчи-дурадгор. Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, бепул кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

3 йил муддатли таълим группасини тамомлаганлар диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юрти янги замонавий комплексда жойлашган. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт комплекси ишлаб турибди.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Спутник массиви, 4-квартал (58, 75, 40-автобуслар, 19-троллейбуснинг 140-ГСПТУ—бекати).

Ф. ҲУЖАЕВ НОМИДАГИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДА ОЧИЛГАН

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойафзал қисмларини бичувчи, загатовка тикувчи, тайёр маҳсулотни қаоул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, моделли пойафзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий хордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи, туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 6, 14-тролейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейщчилар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электрмонтажчилар, электр пайвандчилар. Гипш терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар, облицовкачи-плиткачилар, ёғоч ва ганч ўймакорлари.

Ўқиш муддати — 6 ой ва 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри —81, Домбраобод кўчаси, 74-уй (54, 50, 70, 79, 80, 34, 103, 123-автобусларнинг «16-Поликлиника», 16- тролейбуснинг «Домбраобод» бекатлари). Телефон 77-49-53.

2-пойафзал фабрикаси базасидаги

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: бичувчи, (пойафзални устки деталларини тикувчи), **пойафзалин, якка-буюртма ҳолида тайёрловчилар, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи ремонтчи слесарлар.**

Танланган мутахассислик бўйича ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга 8, 9—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумоти билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўм ҳажмида стипендия берилади.

8 синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Билим юртида қуйидаги тўгараклар мавжуд: тикиш ва бичиш, тўқиш, кино-фото, миллий чолғу асбоблари бўйича ва спорт секциялари мавжуд.

200-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА

Билим юртига 8—10 синфни тамомлаган 14—15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳунар-техника билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича «Миконд» заводи учун ёш кадрлар тайёрлайди: резистор-йиғувчилар, интеграл микросхемаларни йиғувчилар, ярим утказгичли асбобларни йиғувчилар, техника контроли бўлими контролёри, радиотехника асбобларининг монтажчилари, электромонтёрлар, конструктор-чизмачилар, токарь-универсаль, слесарь-асбобсозлар, автослесарлар, приборчилар, хрусталь буюмларини пардозловчилар.

Билим юртида ўқиш муддати —1 йилдан 3 йилгача.

Бир йиллик ўқиш пайтида ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади. Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар корхона ҳисобидан қўшимча 45 сўм стипендия оладилар. 3 йиллик ўқиш пайтида ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланади. Ишлаб чиқариш практикаси даври иш стажига қўшиб ҳисобланади ва 33 процент маош берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланма берилади.

Билим юрти қошида «Ешлик» киностудияси, фототўгарак, футбол, қураш, бокс, енгил атлетика спорт секциялари ишлайди.

Каникул вақтларида ўқувчилар Қораденгиз бўйига, санаторияларга ва дам олиш уйларига ҳамда «Чимён» лагерларига путёвкалар билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00гача қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар «Миконд» заводига йўлланма оладилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси,

«ЎЗБЕКХЛОПКОМАШ» ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, ремонтчи слесарь, электр пайвандчи, электр кўприкли кран машинисти, ОТК контролёри, автослесарь фрезерчи.

Ўқишга 15 дан 25 ёшгача бўлган 8—10 синф маълумотидагилар таклиф қилинади.

Ўқиш муддати: 8 синф маълумотидагиларга — 2 йил, 10 синф маълумотидагиларга — 1 йил.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради. Билим юртини тугатганлар юксак малакали мутахассис дипломини оладилар, шунингдек, олий ўқув юртига ва техникумларига имтиёзли шартлар билан кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар 2 йил муддатли таълим группаси ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, 1 йил муддатли таълим группаси ўқувчилари техника билим юрти программасига кўра ойига 30 сум ҳажмида стипендия оладилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртида, чунончи, юқорида санаб ўтилган барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш 6 ойлик курслари ташкил этилади. Билим юртига электр пайвандчи, электр кўприкли кран машинисти ихтисосликларидан ташқари қолган барча мутахассисликларга исталган ёшдаги кишилар қабул қилинадилар.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй. (1, 4, 17, 21, 63, 102-автобуслар, 17, 18-тролейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг **«Партия мактаби», «М. Горький»** метроси).

Ҳунар-техника таълими системасидаги билим юртларига ўқишга кириш учун қабул комиссияларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ҳунар-техника билим юртига қабул этиш ҳақида мазкур билим юрти директори номига ариза (танланган касб аниқ кўрсатилиши шарт), ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), учта фотосурат (3 х 4 см.), корхона ёки ташкилот (агарда ўқишга киручи шахс мазкур ташкилотлар томонидан юборилаётган бўлса)нинг йўлланмаси.

Ўқишга кирувчи билим юртига келган заҳоти қабул комиссиясига паспорти, чақирилиш қоғози (ҳарбий, хизмат ёшидаги кишилар учун) ёки ҳарбий билетини (запасдаги ҳарбий хизматга лаёқатли кишилар учун) кўрсатади, зотан оу ҳақда сунг ўқишга кирувчининг шахсий варақасида қайд этилади.

Билим юртига қабул ҳақидаги аризани топширганлар ўзлари танлаган касби бўйича ишлашга жисмоний лаёқатли ва соғлиғи мувофиқ келишини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

2 ИЮНЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевиденениинг «Восток» программаси

18.15 «Йўл бошида». Яхудий камер музикали театри ҳақида. 18.30 «Ўтилганларни такрорлаш». Белоруссия ССР Уваровичи қишлоғидаги СССР халқ ўқитувчиси О. С. Авраменко ҳақида телевизион очерк. «СССР халқ ўқитувчилари» туркумидан. 18.55 Бутунроссия конкурсининг лауреати. Т. Вольская чалади (домбра). 19.15 «Дунё воқеалари». 19.40 «Плакат —давр кўзгуси». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Фестивальлар... Конкурслар... Концертлар...». 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденениинг иккинчи программаси

18.50 «Сиз қандай дам оласиз?». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 19.00 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.00 Жаҳон халқларининг ижоди. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 М. И. Царёв А. Пушкин, М. Лермонтов, Ф. Тютчев, А. Блок, С. Есенин лирик шеърларини ўқийди. 21.30 «Время». 22.15 «Нариги томон киноси». Бадиий фильм. М. Горький номли киностудия —«Омега фильм» (Швеция).

Ўзбекистон телевиденциесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Гошо филчанинг дўстлари», «Гаройиб дўст». Мультфильмлар. 18.30 «Тенгдошларинг ижоди». 19.00 «Маданий меросимиздан». Собир Термизий туғилган кунининг 900 йиллигига. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерти. 20.15 «2 миллион тонна «қаҳрабо». дон учун». 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Дўстлик кўприги». Видеофильм премьераси. 22.55 «Ўзбекистон балети ҳақида». Балет артистлари халқаро конкурсининг лауреати З. Давлетмуродова. 00.10 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун фильм. «Менинг биринчи кемам». 18.40 Реклама. 19.00 «Ойнинг ўттиз биринчи куни». Телефильм. 19.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қиз-Жибек». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 МТ II.

3 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденениинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри духовой оркестрининг концерти. 10.35 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.35 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон Ерда». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 Мактаб ўқувчиларининг Ленин комсомоли ветерани, Комсомольск-Амур шаҳрининг дастлабки қурувчиси А. И. Зюзина билан учрашуви. 17.00 Т. Хренников қўшиқларини РСФСР халқ артисти И. Кобзон ижро этади. 17.30 Шахмат мактаби. Якуповчи эшитириш.

18.00 Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 18.45 «Алкоголизм». Врач суҳбати. Кўрсатувни СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бошқармасининг бошлиги Э. А. Бабаян олиб боради. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биргаликда ақил онламиз». Маҳаллалардан олиб кўрсатилади. 20.00 «Инлегмаш-82» халқаро кўргазмасидан репортаж. 20.10 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм, премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Андроников сўзи». 1-фильм. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Лак Ноела». Фильм-концерт.

Ўзбекистон телевиденциесининг программаси

I

15.55 Кўрсатувлар программаси. 16.00 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали ёпилиши. Санъат саройидан олиб кўрсатилади. 17.00 Болалар учун фильмлар. 18.00 Болалар учун концерт. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. ВЛКСМ XIX съездининг делегатлари ҳикоя қиладилар. 19.00 Партия чақиригига жавобан. «Саноат корхоналари филиалларини яратиш— муҳим иқтисодий ва социал вазифа». Андижон тажрибаси. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ғўза парваришига —аъло сифат». 22.20 «Уч қитъа экранида». Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали. 23.20 Янгиликлар.

Чилонзор район халқ маорифи бўлими, маорифчилар касаба союзи район комитети ва 138-мактаб коллективи шу мактабнинг математика ўқитувчиси Д. Азимовага отаси

Шомуҳитдин ШОИСЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарвар ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

2 ИЮНЬ, 1982 й. Р—07254. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691 8